

**Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М**

2025 йил апрель ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг сайёр суд мажлиси, Қизилтепа туман “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносида бўлиб, раислик қилувчи А.Авезов, судья ёрдамчиси Н.Қурбоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қизилтепа туман прокурори ёрдамчиси Ғ.Рахмоновнинг иштирокида Хамдамов Дилшод Хайдаровичга оид 1-2105-2501/33-сонли жиноят иши кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Хамдамов Дилшод Хайдарович (Hamdamov Dilshod Haydarovich), 1985 йил 25 февралда Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, муқаддам “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ маҳаллий йўналишларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш филиали вагонлар хизматчиси, оилали, 5 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, “Кўктепа” МФЙ, “Замондош” кўчаси, 5-уйда яшайди, иш бўйича “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 18.03.2025 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни муҳокама қилиб, тарафларнинг музокара ва судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни;

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Д.Хамдамов, 2019 йилнинг май ойидан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ маҳаллий йўналишларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш филиалида вагонлар хизматчиси вазифасида ишлаб келиб, 2025 йилнинг 21 февраль куни 071-рақамли “Олот-Тошкент” йўналишида ҳаракатланувчи йўловчи поезднинг 7-вагонидан кузатувчи вазифасида ишлаб, жамоат транспорти ҳисобланган поезд вагонидан ғаразли ва паст ниятларда қўшмачилик қилиш мақсадида шу куни соат 20:15ларда “Қорақўл” темир йўл вокзалидан поезднинг 11-вагонига чипта билан чиқиш учун келган Б.Ўлжаев ва Г.Ўриноваларни 7-вагоннинг 2-купесига жойлаштириб, моддий манфаат кўриш мақсадида Б.Ўлжаевдан тезкор тадбирда фойдаланилган 300.000 сўм олиб, эвазига Б.Ўлжаевни таниши Г.Ўринова билан ўзаро жинсий алоқада бўлишлари учун уларга ушбу купеда



шароит яратиб бериб, кўшмачилик қилганлиги Навоий вилояти Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси жиноят қидирув гуруҳи ходимлари томонидан аниқланиб, 300.000 сўм пуллар холислар иштирокида ашёвий далил сифатида расмийлаштириб олинган.

Судланувчи Д.Хамдамов судда, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2013 йилнинг август ойида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Темирйўлйўловчи” АЖ йўналишли вагонлар хизмати вагон кузатувчиси вазифасига ишга кирганлигини, унинг иш тартиби бир ҳафта ишда бир ҳафта дам олишдан иборат бўлиб, иш вақтида Тошкент шаҳридан Бухоро вилоятининг Олот туманигача бўлган йўналишда қатнайдиган йўловчи поездларда кузатувчилик қилиб келганлигини, 2024 йилнинг сентябрь ойида “Олот-Тошкент” йўналишидаги 071-рақамли йўловчи поездда вагон кузатувчилик қилиб келаётганда “Қоракўл” вокзалидан ўзини Ўлжаев Бобокул деб таништирган киши бир аёл билан у хизмат олиб бораётган вагонга келиб, алоҳида кетиш учун жой бўлса кетишини, ўзларининг ўринлари плацкарт типли вагонда эканлигини, ўзларини вагонлари ноқулайлигини айтиб, ундан қулайроқ ўриндан жой қилиб беришни сўраганликларини, кейин у уларни эр-хотин деб ўйлаб, ёрдам қилиш мақсадида ўзига фойдаланиш учун ажратилган “ярим купе” хонага жойлаштиргани ва улар Тошкент шаҳригача борганликларини, вагондан тушиш вақтида Б.Ўлжаев унга раҳмат айтиб, яна поездга чиқадиган бўлса ундан ёрдам сўрашини айтиб, уни телефон рақамини сўраб олганлигини, 2025 йилнинг февраль ойи бошларида Б.Ўлжаев унга телефон қилиб, яна поездга чикмоқчи эканлигини, Қоракўл бекатидан чиқиб, Самарқанд шаҳригача боришини, ўзи билан аёл шериги ҳам борлигини, уларга алоҳида дам олиб кетишлари учун хона қилиб беришни сўраганлигини, кейин у Б.Ўлжаевга “майли чиқаверинг, шароит қилиб бераман” деб айтганлигини, аммо Б.Ўлжаев шу билан бошқа телефон қилмагани, 2025 йилнинг 20 февраль куни Б.Ўлжаев унга телефон қилиб, поездга чикмоқчи эканлигини айтиб, ундан Бухородан Тошкентга қачон поезд юришини сўраганлигини, кейин у Б.Ўлжаевга эртага, яъни 21 февраль куни “Олот” темир йўл вокзалидан Тошкентга қараб юриши, соат 20:00ларда “Қоракўл” темир йўл бекатига етиб боришларини айтганлиги, кейин Б.Ўлжаев унга шу вақтда шериги билан поездга чиқишини айтганлигини, 2025 йилнинг 21 февраль куни у “Олот-Тошкент” йўналишидаги 071-рақамли йўловчи поездининг 7-вагонидан вагон кузатувчилик қилиб, шу куни соат 19:00ларда “Олот” бекатидан йўлга чиқиб, соат 20:00ларда “Қоракўл” темир йўл бекатига етиб келганликларини, у вагондан тушиб, йўловчиларни вагонга чиқариш вақтида ёнига Б.Ўлжаев бир аёл киши (*кейинчалик уни исми шарифи Г.Ўринова эканлигини билган*) билан келиб, унга ўзи билан шеригини чиптасини берганлиги, уларни чипталарини кўрганда 11-вагоннинг 48 ва 50 жойлари эканлигини кўрганлигини, кейин у Б.Ўлжаев билан ёнидаги аёлни 7-вагонинг 5 ёки 6 купе вагонига киритиб, шу ерда ўтириб туришларини айтиб, ўзи СВ типли хоналарни текшириб, 3 та бўш СВ типли хона Самарқанд вокзалигача бўш эканлигини аниқлаб, кейин Б.Ўлжаев билан унинг аёл ҳамроҳини 3-СВ хонага жойлаштиргани, бироз вақт ўтиб, Б.Ўлжаевни ёнидаги аёл келиб, СВ хонанинг эшиги ёпилмаслигини айтиб, ундан бошқа хона қилиб беришини



сўраганлигини, кейин у уларга 2-купега киришларини айтганлиги, улар 2-купега кирганларидан сўнг уларни ушбу купеда дам олиб кетишлари учун шароит яратиб берганлиги эвазига Б.Ўлжаевдан 300.000 сўм олганлигини, Б.Ўлжаев унга шу купеда ҳамроҳ аёли билан жинсий алоқа қилиб кетишини, уларни ҳеч ким безовта қилмаслигини айтганлигини, кейин у Б.Ўлжаевга уларни ҳеч ким безовта қилмаслигини, эшикни ичкаридан кулфлаб олишни айтиб, уларга янги чойшаб берганлигини, кейин улар купенинг эшигини ичкаридан кулфлаб олганликларини ва у Қизилтепа бекатигача 2-купега бормаганлигини, поезд 2025 йилнинг 21 февраль куни соат 22:30ларда Қизилтепа темир йўл вокзалига келиб тўхтаганлигини, кейин у поезддан тушиб, йўловчиларни чиқараётганда уни ИИБ ходимлари чақириб, 2-купени очишни сўраганликларини, кейин у купени очганда Б.Ўлжаев ва унинг ҳамроҳ аёли ярим яланғоч ҳолатда ўтирганликларини кўрганликлари, сўнгра ИИБ ходимлари ундан ушбу йўловчилар нима сабабдан бу купеда эканликлари тўғрисида сўраганларида у бу йўловчилар шу купеда дам олиб кетаётганликларини айтиб, уларга жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб берганлиги ва эвазига 300.000 сўм олганлигини айтиб, Б.Ўлжаевдан олган 300.000 сўм пулларни ИИБ ходимларига тақдим қилганлигини, сўнгра ИИБ ходимлари ушбу пулларни холислар иштирокида ундан расмийлаштириб олиб, кўздан кечирганларида пулларга махсус кукунда “Пора-25” ёзувлари ёзилганлигини кўрганлигини, йўловчи сифатида поездига чиққан Б.Ўлжаев ва унинг аёл шериги Г.Ўриноваларни поездга чиқиш учун йўловчи чипталари борлигини, Б.Ўлжаев таниши Г.Ўринова билан алоҳида хонада жинсий алоқа қилиб кетишларини айтганлиги учун уларга 2-купедан жой қилиб берганлигини, Б.Ўлжаев ундан таниши Г.Ўринова ҳамроҳ аёли билан жинсий алоқа қилиши ва ювиниш учун сув кераклигини айтганлиги сабабли у Б.Ўлжаевга 1,5 литрли елим идиш (*баклашка*)да илиқ сув келтириб берганлигини, ҳолат юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар билан танишиб имзолаб берганлиги, қилган жиноятидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароити ва ёшини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд, судланувчи Д.Хамдамовнинг ғаразли ва паст ниятларда кўшмачилик қилишда ифодаланган жиноятни содир қилганликдаги айби, суд мажлисида айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, суд мажлисида тўпланган қуйидаги далиллар, яъни:

гувоҳ Б.Ўлжаевнинг судда, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, 2024 йилнинг сентябрь ойи ўрталарида Нигора исмли таниши билан иш юзасидан Бухоро вилоятининг Қорақўл туманига борганлигини, қайтишда Нигора билан поездда Тошкент шахрига кетишни режалаштириб, Қорақўл темир йўл вокзали кассасидан чипта сотиб олганлигини, Нигорага Тошкентгача, у эса Самарқандгача чипта топганлигини, кейин у бир иложини қиларман деб, шу чипта билан поездга чиқиш учун Қорақўл темир йўл вокзалига кириб, поезднинг келишини кутиб турганликларини, уларни чипталаридаги ўринлари турли вагонларда бўлганлиги сабабли поезд келганидан сўнг у вагон олдида турган кейинчалик исми шарифи Д.Хамдамов эканлигини билган вагон кузатувчисининг олдида бориб, ундан чипталари бошқа бошқа вагонларда эканлигини, унинг чиптаси шу вагонда



эканлиги, шериги Нигорани ёнига олиб кетмоқчи эканлигини айтиб, ундан ёрдам сўраганда вагон кузатувчиси Д.Хамдамов унга буни иложи борлигини фақатгина кўшимча тўлов қилиши кераклигини айтганлиги, унга чипталари борлиги фақатгина жойларини алмаштирмоқчи эканликларини айтганлигига қарамасдан Д.Хамдамов ундан шериги Нигорани ўзи ўтирган купе хонага жойлаштириб бериш эвазига 200.000 сўм беришини айтганлигини, кейин у рози бўлиб, таниши Нигора билан бирга поездга чиққанлигини, вагон кузатувчиси Д.Хамдамовга шериги билан алоҳида хонада кетишлари кераклигини, у билан жинсий алоқа қилиб кетмоқчи эканлигини айтганда Д.Хамдамов унга яна 200.000 сўм берса ўзининг хонасини бўшатиб беришини, ўша хонада жинсий алоқа қилиб кетиши мумкинлигини айтганлигини, сўнгра у Д.Хамдамовга ўзини хизмат хонасида (*купеда*) таниши Нигора билан жинсий алоқа қилиши учун шароит яратиб берганлиги эвазига ва олдиндан сўраган пулини кўшиб, 400.000 сўм берганлигини, кейин улар купега кириб, эшикни ичкаридан қулфлаб, Самарқанд шаҳригача шу купеда таниши билан жинсий алоқа қилиб кетганлигини, кейин у Самарқанд шаҳридан онлайн чипта сотиб олиб, Тошкент шаҳрига кетганлигини, 2024 йилнинг сентябрь ойида Д.Хамдамовнинг телефон рақамини олганлиги сабабли 2025 йилнинг февраль ойининг 20 саналарида Д.Хамдамовга телефон қилиб, ундан аввалгидек шароит қилиб бера олишини сўраганда у “келаверинг танишингиз билан жинсий алоқада бўлиш учун шароит қилиб бераман” деб айтганлигини, бундай ҳолатларга бефарқ эмаслиги, яъни йўловчи вагонларда бундай ахлоққа зид ҳаракатларга чек қўйиш тарафдор бўлганлиги сабабли вагон кузатувчиси Д.Хамдамовнинг ҳаракатларига чек қўйиш мақсадида 2025 йилнинг 21 февраль куни Навоий вилояти ТХТБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, ўтказиладиган тезкор тадбирда шахсан иштирок этишга розилигини билдиргани, 2025 йилнинг 21 февраль куни Навоий вилояти ТХТБ ходимлари аризасига асосан тезкор тадбир ташкил қилиб, ушбу тезкор тадбир давомида “Гулзода” исмли аёл билан бирга Қоракўл темир йўл бекатига бориб, гўёки у Г.Ўринованинг жазмани сифатида йўловчи поездга чиқиб, Г.Ўринова билан бирга поезд вағонида гўёки жинсий алоқа қилиб келиш ролини ўйнаши кераклигини айтганликларини, кейин у розиб ўлганлигини, тадбир режаси бўйича ИИБ ходимлари тезкор тадбирни ўтказиш тартиби уларга тушунтириб, унга тадбирда фойдаланиши учун 1 дона овоз ёзиш мосламаси (*диктофон*) ҳамда кимёвий ишлов берилган 500.000 сўм пулларни холислар иштирокида берганликларини, шунингдек ИИБ ходимлари у билан Г.Ўриновага 2 дона “Қоракўл-Самарқанд” йўналиши бўйича чипта ҳам олиб берганликларини, шу куни соат 15:00ларда ИИБ ходимлари ҳамроҳлигида у Г.Ўринова билан биргаликда Бухоро вилоятининг Қоракўл туманига келишиб, соат 20:15ларда поезднинг 7-вагонга борганлигини, сабаби Д.Хамдамов ўша куни 7-вагонда кузатувчилик қилаётганлигини, Д.Хамдамов у билан Г.Ўриновани вагондан ташқарида кутиб олганлигини, кейин у Д.Хамдамов билан гаплашиб, унга таниши билан жинсий алоқа қилиб кетиши унга уларга алоҳида хона қилиб беришини айтганлигини, кейин Д.Хамдамов рози бўлиб, уларни ўзи ишлаб келаётган вагонга таклиф қилиб, ўзининг хонаси бандлигини, у ерга бошқа одам борлигини, уларга дам олиб кетишлари учун бошқа хона қилиб



беришини айтганлигини, кейин Д.Хамдамов уларни вагондаги бўш турган купе хонага киритиб, шу ерда бемалол жинсий алоқа қилиб кетишлари мумкинлигини, уларни ҳеч ким безовта қилмаслигини айтиб, эвазига 300.000 сўм беришини айтганлигини, кейин у вагон кузатувчи Д.Хамдамовга тадбир давомида фойдаланиши учун берилган пулдан 300.000 сўм берганлигини, кейин у Д.Хамдамовдан жинсий алоқадан кейин ювиниш масаласида сўраганда у сув олиб келиб беришини, хонада артинишга сочиқ борлигини айтиб, бироз вақт ўтиб елим баклашкада сув келтириб бериб, эшикни ичкаридан кулфлаб олишларини, бирор киши келса эшикни очмасликларини, уларни ҳеч ким безовта қилмаслигини айтганлигини, кейин улар хонани ичкаридан кулфлаб, гўёки жинсий алоқа қилгандек ҳолатни саҳналаштирганликларини, поезд Қизилтепа бекатига келиб тўхтаганидан сўнг тадбир режасига кўра, у эгнидаги кийимларини ечиб, ярим яланғоч ҳолатда бўлиб, вагонда ўтирганлигини, ҳамроҳи Г.Ўринова ҳам кийимларини ечиб олганлигини, орадан бироз вақт ўтиб, Навоий вилояти ТХТБ ходимлари келиб, эшикни тақиллатгани ва у эшикни очганлигини, кейин ИИБ ходимлари холислар иштирокида (видеокамерада олган ҳолда) ҳолатни расмийлаштирганликларини, ИИБ ходимлари вагон кузатувчиси Д.Хамдамовдан бўлган ҳолат бўйича сўраганларида у ҳақиқатда ҳам уларга жинсий алоқа қилишлари учун вагонда шароит яратиб берганлиги эвазига ундан 300.000 сўм олганлигини айтиб, ушбу пулларни ўз ихтиёри билан ИИБ ходимларига тақдим қилганлиги ва ИИБ ходимлари холислар иштирокида ушбу пулларни расмийлаштириб олганликларини, кейин улар тадбир иштирокчилари билан биргаликда Навоий вилояти ТХТБ биносига келишгани ва у ерда ИИБ ходимлари ҳолат юзасидан ҳужжатларни расмийлаштирганликлари ва ҳужжатлар билан танишиб, имзолаб берганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ Г.Ўринова судда, гувоҳ Б.Ўлжаевнинг кўрсатувини тасдиқлаб, бир хил мазмунда берган кўрсатувидан ташқари;

суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи Д.Хамдамовнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, суд мажлисида текшириб чиқилган ва ошқора ўқиб эшиттирилган жиноят ишида мавжуд бўлган Навоий вилояти ТХТБ ЖҚГ тезкор вакили А.Шодмановнинг вилоят ТХТБ бошлиғи номига ёзган билдиргиси (и.в. 8);

- Б.Ўлжаевнинг Навоий вилояти ТХТБ бошлиғи номига ёзган аризаси (и.в. 4);

- Б.Ўлжаевга тезкор тадбирда фойдаланиш учун овоз ёзиш мосламаси (диктофон) ва пулларни бериш тўғрисида баённома, илова фотосуратлари (и.в. 11-15);



- Б.Ўлжаевдан тезкор тадбирда фойдаланилган овоз ёзиш мосламасини олиш ва ундаги сўзлашувларни эшитиб кўриш тўғрисидаги баённома (и.в. 53-57);

- ҳодиса жойини, яъни 071-сонли “Олот-Тошкент” йўналишидаги йўловчи поезднинг 7-вагон 2-купесини кўздан кечириш баённомаси, илова фотосуратлари (и.в. 16-26);

- Навоий вилоят ИИБ ЭКМнинг 22.02.2025 йилдаги 138-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, илова фотосуратлари (и.в. 49-51);

- Б.Ўлжаев ва Г.Ўриноваларнинг тезкор тадбирда иштирок этишга Навоий вилояти ТХТБ бошлиғи номига ёзган розилик хатлари (и.в. 6-7);

- тезкор эксперимент тезкор-қидирув ўтказилгани тўғрисидаги баённома (и.в. 27-29) ҳамда тергов органи томонидан гувоҳ сифатида сўроқ қилинган С.Азимовнинг тергов жараёнида берган кўрсатуви билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, ушбу далилларни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси талабига мувофиқ баҳолаб, ҳар бирини ишга алоқадор, мақбул ва ишончли деб, уларни йиғиндисини эса ҳукмнинг тавсиф қисмида баён қилинган жиноятни содир этишда Д.Хамдамовни айблаш учун етарли деб топади.

Юқорида кўрсатилган барча далиллар жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ олинган бўлиб, дастлабки терговда Д.Хамдамовнинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланиб, тергов ҳаракатлари унинг адвокати иштирокида ўтказилган.

Шунингдек, суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан гувоҳ С.Азимовнинг дастлабки терговда берган кўрсатуви ўқиб эшиттирилди.

Суд, юқорида келтирилган далилларни муҳокама қилиб, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлар ва мавжуд кўрсатувлардан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қароридаги тушунтиришидан келиб чиқиб, суд ҳайъати уларни тўлиқ асосли ва холисона деб баҳолаб, судланувчининг айби тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Тергов органи томонидан жиноят ишининг Д.Хамдамов 2024 йилнинг сентябрь ойида Б.Ўлжаев ва Н.Адизоваларга поезд вағонида жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб берганлиги эвазига Б.Ўлжаевдан 400.000 сўм олганлиги факти ўз тасдиғини топмагани сабабли жиноят ишининг ушбу қисми ЖПК 83-моддасининг 2-бандига кўра ҳаракатдан тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суду Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисидаги” Қарорнинг 16-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 463-моддасининг 1-қисмида “айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозимлигини, шундан келиб чиқиб,



судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан холисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос қилиб олиниши лозим” деб кўрсатилган.

Тергов органи иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланувчининг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини ЖК 131-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилиб хатоликка йўл қўйган.

Қонун мазмунига кўра фоҳишахона - бу мижозларнинг жинсий алоқа қилишлари ёки уларнинг ғайритабиий усулда ўз жинсий эҳтиёжларини қондиришлари учун шароит яратишга мўлжалланган махсус жиҳозланган ҳар қандай жой (*уй, дала ҳовли, хонадон, ҳаммом, сауна, меҳмонхона ва бошқалар*) ўз мижозларининг шахвоний эҳтиёжларини муттасил равишда қондириш учун фойдаланиладиган ҳар қандай жойни фоҳишахона деб топиш мумкинлиги қайд этилган.

Фоҳишахонанинг зарурий белгиси ўзининг жинсий эҳтиёжларини маълум бир ҳақ эвазига қондириш мақсадида одамларнинг мунтазам равишда бориб туриши тушунилади, алоҳида хонадон (*квартира*), уй, дала ҳовли, чўмилиш хонаси (*сауна*)даги муайян жой, ёрдамчи хона ва бошқалар фоҳишахона хизматини ўташи мумкин.

Фоҳишахона ташкил қилиш ва сақлаш деганда, уйни қидириб топиш, уйни жиҳозлаш (*мебеллар танлаш, идиш-товоқлар олиш ва ҳоказо*), унинг ишлаши учун керакли шароит яратиш, фоҳишахонанинг узок муддат ишлаши учун ёрдам бериш, хизмат кўрсатувчилар, кўрикчилар, ҳайдовчилар ёллаш ва хоказоларни тушуниш лозим.

Қўшмачилик қилиш шахвоний жуфтларни қидириб топиш ёки муайян шахслар ўртасида жинсий алоқалар ёхуд ғайритабиий усулда жинсий эҳтиёжларни қондириш учун ёрдам беришдан иборатдир.

Тергов ҳаракатлари ва судда аниқланган иш ҳолатларига кўра, Д.Хамдамов 071-рақамли “Олот-Тошкент” йўналишида ҳаракатланувчи йўловчи поезднинг 7-вагоннинг 2-купесидида 300.000 сўм эвазига Б.Ўлжаев ва Г.Ўриновани жинсий алоқада бўлишлари учун шароит яратиб берган.

Ушбу поезднинг вагон купелари йўловчи фуқароларни ташиш учун мўлжалланган ҳисобланиб, фоҳиша аёллар сақланмаган, фахш ишларни амалга ошириш учун махсус тайёрланмаган ҳамда тегишли тартибда жиҳозланмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94-моддасида иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозимлиги;

ушбу Кодекснинг 415-моддасида эса, суд айбловни ўзгартиришга ҳақли экани, бунда айбловнинг бир қисми ёки жиноятнинг тавсифий аломатлари чиқариб ташланиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмиши учунгина жавобгар бўлиши қайд этилган.

Шу боис, суд юқоридаги қонун талаби ва ишнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб, судланувчи Д.Хамдамовнинг жиноий ҳаракатини ЖК



131-моддасининг 2-қисмидан ЖК 131-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи Д.Хамдамовга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, қуйидагича тўхтамга келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги;

давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида қайд этилган, Инсонпарварлик принципининг жинойт содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жинойт содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги ҳақидаги;

ушбу кодекснинг 8-моддасида эса жинойт содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жинойтнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жинойт учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жинойт учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жинойтнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

4-бандида эса, қонун тайинладиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жинойт ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги;

45-бандида, “жинойт кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жинойт содир этган ҳар бир ҳолда, суд жинойтнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги тўғрисида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи Д.Хамдамовга жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлиги, ёшини ва шахсини, жинойтнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилмасдан ғаразли ва бошқа паст ниятларда жинойт содир этгани, ҳозирги кунда пушаймонлиги ва афсус-да



эканлиги, муқаддам судланмагани, унинг жиноят содир этишига сабаб бўлган шарт-шароитларини эътиборга олиб, шунингдек, суд келгусида бундан-да оғир оқибатларни олдини олиш, ҳуқуқий тарбиявий жиҳатларини ҳамда суд қарорини шаффофлигини таъминлаш мақсадини ҳам кўзлаб, шу аснода жазо тайинлашнинг баҳолаш мезонидан, адолат, инсонпарварлик, қонунийлик тамойилларига риоя қилиб ва юқорида қайд этилган асослардан келиб чиқиб ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ҳамда судланувчи Д.Хамдамов содир этган жинояти хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда содир этганлиги ва келгусида шу каби жиноятларга қайта қўл уришини олдини олиш мақсадида ЖКнинг 45-моддасига асосан унга нисбатан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тизимидаги корхона ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишликни, ЖК 61-моддасининг 2-қисми тартибида тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини алоҳида ижро этилишини лозим топади.

Суд, иш бўйича ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, тергов ҳаракатлари ва тезкор тадбир давомида олинган видеоёзувлар ёзилган 7 дона “DVD” дискларни жиноят ишига қўшиб сақлашни;

далилий ашё сифатида Д.Хамдамовдан олинган 300.000 сўм пуллар Навоий вилояти ТХТБ ЖКҒ ходими А.Шодмановга тергов органи томонидан тилхат орқали қайтарилгани сабабли муҳокамадан чиқаришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473, 497¹-497⁴, 498-500, 504²-моддаларига мувофиқ, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи **Хамдамов Дилшод Хайдарович (Xamdamov Dilshod Xaydarovich)** Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин ва унга ушбу модда билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тизимидаги корхона ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони, мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташ белгилансин ва жазо муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазонинг ижроси Д.Хамдамов яшайдиган ҳудуд бўйича Самарқанд вилояти Пайариқ туман ИИБ Пробация бўлинмасига юклатилсин.

Судланувчи Д.Хамдамовга тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ва ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ЖКнинг 61-моддаси 2-қисми тартибида алоҳида-алоҳида ижро этилсин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазо муддати ҳукм ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.



Д.Хамдамовга нисбатан тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазосининг ижроси Д.Хамдамов яшайдиган ҳудуд бўйича Самарқанд вилояти Пайариқ туман ИИБ Пробация бўлинмасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач Д.Хамдамовга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи Д.Хамдамовдан олинган 300.000 сўм пуллар Навоий вилояти ТХТБ ЖҚГ ходими А.Шодмановга тергов органи томонидан тилхат орқали қайтарилгани сабабли муҳокамадан чиқарилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган, яъни тергов ҳаракатлари ва тезкор тадбир давомида олинган видеоёзувлар ёзилган 7 дона “DVD” дисклар жиноят ишига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Навоий вилоят судига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Ҳукм алоҳида хонада раислик қилувчи томонидан “DELL” русумли компьютерда ёзилди.

Раислик қилувчи

ИМЗО

А.Авезов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

Раислик қилувчи судья:

А.Авезов

Маъсул судья: Авезов Адиз Муродбекович

